



НОТИҚЛИК САНЪАТИ ВА НУТҚ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ

Равшанов Акмал Миржамолович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

АКАДЕМИЯСИ КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

E-mail: ravshanov@max.uz

Аннотация: *Ушбу мақолада нотиқлик санъати ва нутқ техникаси асослари чиройли ва қизиқарли гапириш ибораларнинг тузилиши лексикаси ва қурилиши ривожланиш шартлари ҳақидаги масалалари кенг тарзда ёритилган.*

Калит сўзлар: *нотиқлик, педагогика, ибора, нутқ, санъат, инсон, таълим. тингловчи, ахлоқ.*

Тингловчилар талабларини қондириш учун маърузаларда, оммавий нутқларда нутқнинг мазмуни ва шакли узвий боғлиқ ҳолда бўлиши лозим. Ана шу мазмун ва шакл жуфтлигида мазмун етакчи ва ҳал қилувчи элемент ҳисобланади, шакл эса мазмун талабларига тўла бўйсунди. Бундан шакл иккинчи даражали аҳамиятга эга, деган фикр туғилиши мумкин эмас. Чунки нутқ шакли маърузачининг нотиқлик санъатини, маҳоратини, сўзамоллигини кўрсатади. Демак, маърузанинг самарадорлиги фақат унинг мазмунигина эмас, балки шаклига ҳам боғлиқдир.

“Машриқзамин – ҳикмат бўстони” номли ҳикматли сўзлар тўпламида Бархурдор ибн Маҳмуднинг шундай фикрлари келтирилган: “Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улуғ қасри устунларидан бири сўзлаш ва нутқнинг қимматбаҳо гавҳарини мулойимлик ва одоб пармаси билан тешмоқдир. Ахлоқ аркининг юқорисида ўтирувчиларнинг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш ва чиройли сўзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдогаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбаҳо сўзлари донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юнон ҳақимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати хазинасининг калитидир ва ҳар кимсанинг билими миқдори унинг сўзлари орқали маълум бўлади”.

Нотиқлик санъати деганда оғзаки нутқнинг тингловчи онгига мақсадли ва самарали таъсир этишини таъминловчи меъёр ва услублар бирлиги тушунилади. Маърузачи ана шу меъёр ва услубларни эгаллаши, улардан ўзининг амалий фаолияти жараёнида фойдалана олиши лозим. Ҳар қандай сўзга чечан нотиқ яхши маърузачи бўла олмагани каби, нотиқлик санъатини эгалламаган маърузачи ҳам яхши нотиқ бўла олмайди. Маъруза мазмуни қизиқарли бўлгани билан маърузачи етарли даражада нотиқлик маҳоратига эга



бўлмаса, фикр тингловчилар онгига тўла етиб бормайди. Бу ерда мазмун билан шаклнинг ўзаро боғлиқлиги намоён бўлади.

Чиройли ва қизиқарли гапириш одамлар ўртасидаги кундалик мулоқотда ҳам катта аҳамиятга эга. Бир ёки бир неча киши эмас, балки ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб кишиларга қарата мурожаат қилинган оммавий нутқда эса нотиклик санъатининг аҳамияти янада ортади.

Бироқ, шуни таъкидлаш муҳимки, ҳар қандай суҳбат, нутқ пайтида ўзига хос қонунлар амал қилади. Бир ёки бир неча киши иштирокидаги суҳбатда мазмунга, шароитга кўра ўзаро яқинлик, кўпинча дўстона, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити ҳукм суради, суҳбат ҳам эркин бўлади. Омма олдида нутқ сўзлаганда эса бундай эркинлик ўринли эмас. Чунки эркин, дўстона суҳбат чоғидаги интонация, шева, ҳазиллар расмий нутқ пайтида одобсизлик, маданиятсизлик сифатида тушунилиши мумкин.

Ибораларнинг тузилиши (лексикаси) ва қурилиши (синтаксиси)га кўра нотиклик санъати ўзига хос хусусиятларга эга ва айнан ана хусусиятларига кўра ёзма нутқдан фарқ қилади. Китоб тили ўзининг тугал иборалари, қўшма гаплари, баъзан узундан-узоқ жумлалари, ўқувчига монолог шаклидаги мурожаати билан ажралиб туради. У ягона мақсад – ўқувчи онгига керакли билимлар йиғиндисини ёзма фикрлар воситасида етказишни кўзда тутаяди.

Ўз шаклига кўра нотик нутқи ҳам монологдир. Бироқ у тингловчиларнинг қарши фаоллигига мўлжалланган бўлади ва улар билан алоқа ўрнатиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда қурилади.

Тажрибали нотик ҳар доим тингловчиларнинг ҳолатини, кайфиятини, нутқни тинглашга бўлган иштиёқини сезиб туради. Агарда аудитория билан алоқа бузилса, нотик нутқ шаклига, баён қилиш тартибига, услубига ва ҳатто мазмунига ҳам ўзгариш киритади. Кўпинча бундай шароитда нутқнинг монолог шакли диалог шаклига айлантирилади. Бунинг натижасида эса нотик ва тингловчилар ўртасида руҳий алоқа ўрнатилади.

Оғзаки нутқ сўзловчининг ҳаяжонларини ва кечинмаларини бевосита ифодаллагани учун ҳам ёзма нутққа қараганда кўпроқ мазмунли ва ҳис-ҳаяжонли бўлади. Булар ҳақида тингловчи сўзловчининг мимикаси, сокинлиги ёки ҳаяжони, нутқ тонига қараб баҳо беради. Нотикнинг эмоционал ҳолати тингловчига «юқиши» ва бунинг натижасида нотик ўзига керакли акс таъсир (реакция)га эришиши мумкин.

Нутққа эмоционал тус беришда сўз оҳанги (интонация) муҳим аҳамиятга эга. Айни бир сўз талаффуз оҳангига қараб турлича маъно касб этиши, турлича тушунилиши мумкин. Интонация шодлик ёки ачинишни, ҳурмат ёки нафратни, фикрнинг қанчалик аҳамиятга эга ёки аксинча, эга эмаслигини ифода этади. Сўз оҳангидан унумли фойдалана олиш аудиторияга таъсир кўрсатишда нотик учун қўшимча имконият яратиб беради.



Омма олдида сўзга чиқишда унинг мазмунли ва таъсирчан бўлишида нутқ техникаси муҳим аҳамиятга эга. Нутқ техникаси қуйидаги элементлардан ташкил топган бўлади:

- нутқ аппаратининг тузилиши (оғиз бўшлиғи, тил, тишлар ва лабларнинг жойлашиши ва ҳ.к.);
- инсон овозининг хусусиятлари;
- нутқ вақтида тўғри нафас олиш;
- артикуляция (нутқ органларининг, яъни лаблар, тил, танглай, овоз бўғинларининг сўзлаш, товуш чиқариш пайтидаги ҳаракати);
- орфоэпия (тўғри, адабий талаффуз қилиш қоидалари тизими, талаффуз қоидаларига риоя қилиш);
- интонация (овозни кўтариш ва пасайтириш ёрдамида нутқ оҳангини қуриш);
- дикция (нутқ пайтида талаффуз қилинаётган товуш ва сўзларнинг аниқлиги);
- мантиқий пауза (нутқ мазмунига мос қисқа тўхташ);
- мантиқий урғу (нутқнинг маълум бир қисмини, сўзни, жумлани алоҳида таъкидлаш, бўрттириб кўрсатиш);
- овоз гигиенаси;
- темп (сўзлаш тезлиги);
- ритм (товуш элементларининг ҳамоҳанг алмашуви);
- жест (сўзлаш пайтида жумла мазмунига мос қўл ҳаракатлари);
- мимика (юз мускулларининг ҳис-ҳаяжон ва кайфиятни ифода этувчи ҳаракатлари);
- поза (нутқ пайтида тананинг жойлашиши, туриши);
- манера (нотиқнинг сўзлаш, фикрини ифода этиш услуби);
- нотиқнинг ташқи кўриниши;
- очиқ, ёпиқ, катта, кичик аудиторияда, микрофон олдида сўзлашнинг хусусиятларини ҳисобга олиш.

Омма қаршисида нутқ сўзлаганда нутқ техникасига риоя қилиш билан бир қаторда нотиқ нутқининг ўзига хос услуби, яъни стили ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Нутқ стили – тил воситасини қўллаш, фикрни баён қилиш усуллари дидир. Нотиқ нутқи стилининг қуйидаги турлари мавжуд:

- илмий – аниқ мантиқий баён, илмий атамаларнинг, ибораларнинг қўлланилиши, сўзларни ўз ифодасига кўра аниқ қўллаш;
- бадий – образли сўзларни, жумлаларни қўллаш, сўз тасвирдан кенг фойдаланиш;
- публицистик – ижтимоий-сиёсий иборалар ёрдамида сўзлаш;
- расмий-ишчан – аниқ сўзлар, стандарт иборалар билан, тасвирлашларсиз амалга оширилган нутқ;
- суҳбат кўринишида – содда сўзлар билан, ҳис-ҳаяжонли, эркин



тарзда мантиқли фикр билдириш.

Омма олдида нутқ сўзлаганда фикрлар таъсирли, мазмунли бўлиши ҳамда нотиқ ўз олдида қўйган мақсадига эришиши учун нутқнинг мазмун ва шакл жиҳатидан қурилишига (тузилишига) аҳамият қаратиш зарур.

Нутқ қурилишининг қуйидаги йўллари белгиланган:

- дедуктив – умумийдан хусусийга қараб фикр юритиш, умумий фикрдан хусусий ёки бошқа умумий хулосаларга келиш;
- индуктив – хусусий, алоҳида ҳолатлардан умумий хулосага келишга қаратилган фикр;
- жамланган – фикрнинг асосий мазмунига урғу бериш, бойитиш, жамлаш;
- тизимли – нутқ мақсадига ва мазмунига кўра фикрнинг аниқ тизим асосида ривожлантирилиши;
- тарихий – нутқнинг тарихий фактлар, рақамлар асосида қурилиши.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оммавий нутқ чиройли мазмунли ва таъсирли бўлиши, нутқдан ўз олдида қўйган мақсадига эришиши учун нотиқ жуда чуқур тайёргарлик кўриши, юқорида келтирилган қоидаларга амал қилиши лозим. Нотиқлик маҳорати ўз-ўзидан келмайди. Бу маҳоратни эгаллаш учун тинмай меҳнат қилиш, ўқиш, ўрганиш, назарий билимлар эгаллаш, амалий малака ва кўникмаларни такомиллаштириб бориш зарур.

Маърузачи ўз нутқи мазмунини тингловчиларга оғзаки нутқ шаклида етказди. Маърузанинг самараси ана шу нутқ шаклининг қанчалик мукамаллигига боғлиқ. Бу мукамаллик замирида нутқ маданияти шаклланади.

Нутқ маданияти мураккаб ва ягона мазмунга эга бўлмаган тушунчадир. Амалда кўпчилик ҳолларда уни одатий ва анъанавий бўлган нутқнинг меъёрийлиги ва тўғрилиги тушунчасига тенглаштирилади. Бироқ бу ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки қабул қилинган адабиёт меъёрлари, тил қонунларига асосланган ҳолда, нутқ маданияти унинг грамматик тўғрилигидан фарқ қилинишини таъкидлаш лозим.

Албатта, грамматика қоидаларини билиш, унга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Грамматика бирон-бир тилда тўғри гапиришни, тўғри ёзишни ўргатади, бироқ яхши гапиришни ўргатмайди. Чунки тўғри гапириш ва яхши гапириш бир нарса эмас.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 136 б.
2. Психология и педагогика. / Под ред. Радугина А. А. – Москва-2000
3. Саидов У. Бошқарув ва нотиқлик санъати. // Ўқув қўлланма. – Т.: Ғафур



Гулом, 2011.

4. Сатиб-Алдиев А., Каримжонов А. Ҳарбий педагогика. – Т.: Шарқ, 2005.

5. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис...доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.

6. Б. Содиқов., Девиант хулқ болалар психологияси. Термиз 2010 йил